

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Й.Солижонов

Ҳамза Ҳакимзода шеъриятида лирик қаҳрамоннинг такомиллашув жараёни 85

Ғ.Усмонов., З.Жўраева., Н.Набиева

Хорижлик адабиётшунос олимларнинг жадид адабий меросига муносабати хусусида 88

С.Мамаюсупова

Шукур Холмираев ижодида мақол ва матал муносабатлари 91

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Ганиева

Ўзбек тилидаги феъл фразеологизмларда бўлишли-бўлишсизлик категорияси 95

Ф.Абдурахмонов

Замонавий рус тилида уч актантли феълларнинг структурали-семантик хусусиятлари 98

Д.Газиева

Матнни функционал-услубий жиҳатдан ўрганиш 103

Н.Аббосова

Инглиз мақол ва маталларини ўргатишда ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали услублари 107

М.Ҳакимова

Абстракт сўзларнинг синонимия муносабатлари 111

Ҳ.Солихўжаева

Ўзбек тилидаги фестиваль номларини ифодаловчи геортонимлар хусусида 116

Ш.Матназаров

Ўзбек тилидаги қишлоқ хўжалиги лексикасининг шаклланиши ва ривожланиши 119

Н.Умарова, Н.Абдувалиева

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони назмий ва насрый вариантларидағи айрим тафовутлар 122

Ф.Қосимова

«Тиб қонунлари» (Абу Али Ибн Сино) асарида келтирилган касаллик номлари ва уларнинг ўзбек, инглиз тилларидаги ўзига хос лингвокультурологик жиҳатлари 126

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Р.Мамасолиев, Р.Солиев

Олий таълимда чет тили фанларини ўқитишининг замонавий асослари 130

Ш.Алимов, М.Нурматова

Чет тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш 133

Д.Хайдарова

Чет тили дарсларида синфни бошқариш стратегиялари 136

З.Бобоева, И.Пўлатов

Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари 140

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Холдоров, Н.Пўлатов

Толали материалларни тозалаш агрегати колесники панжарасининг ишлаб чиқаришдаги синов натижалари ва самарали конструкцияси 143

А.Юсупова, З.Муқимова, Х.Иброҳимова

Математика дарсларида стохастик компетенцияни шакллантириш 147

Р.Маджидова

Оиласий қадриятларни изоҳловчи мақолларнинг аксиологик аҳамияти 149

М.Мадаминова

Абу Райхон Беруний – адабиётшунос 152

М.Юсупова

Навоий образининг янгича талқини 155

Х.Рахматиллаев, С.Соҳибов

Ўзбек халқи анъанавий дунёқараши тизимида турли ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар 158

УДК: 82/894.375

**АЛИШЕР НАВОЙИННИГ “САДДИ ИСКАНДАРИЙ” ДОСТОНИ НАЗМИЙ ВА
НАСРИЙ ВАРИАНТЛАРИДАГИ АЙРИМ ТАФОУТЛАР**

**НЕКОТОРЫЕ РАЗЛИЧИЯ ПОЭТИЧЕСКОГО И ПРОЗАИЧЕСКОГО ВАРИАНТОВ
ПОЭМЫ АЛИШЕРА НАВОИ «СТЕНА ИСКАНДЕРА»**

**SOME DIFFERENCES OF THE POETIC AND PROSAIC VARIANTS
OF THE POEM**

Н.Умарова, Н.Абдувалиева

Аннотация

Мақолада “Садди Искандарий” достонининг назмий ва насрий вариантларидағи тафовутлар “тұхфа” концепти мисолида тәдқиқ этилди.

Аннотация

В данной статье на примере концепта «дар», анализируются различия в поэтическом и прозаическом вариантах поэмы «Стена Искандера»

Annotation

In the given article the differences in the poetic and prose variants of the poem “Saddy Iskandary” on the example of the concept “gift” are analyzed

Таянч сүз ва иборалар: китоб, достон, тұхфа, концепт, фрейм, назмий ва насрий вариантлар, миқдор.

Ключевые слова и выражения: книга, поэма, дар, концепт, фрейм, поэтический и прозаический варианты, количество.

Keywords and expressions: book, poem, gift, concept, frame, poetic and prose variants, quantity.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек: “Хозирги пайтда ҳаммамизнинг олдимизда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди” [1,47]. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳақиқатан ҳам инсонни маънавий жиҳатдан юксалтиришда, авлодлар шуурига аждодларимизнинг миллий қадрият ва анъаналарини сингдиришда, инсон қалбини поклашда ҳеч бир манба бадиий адабиётнинг ўрнини боса олмайди. Бу борада ўзбек адабиётида ҳеч бир ижодкор ва ҳеч бир китоб буюк Навоий асарлари билан тенглаша олмайди. Зоро, миллат руҳи бўлган миллий тил тараққиётини белгилашда тил илми соҳиблари учун ҳар бир даврда Алишер Навоий асарлари асосий мезон ва энг ишонарли манба бўлиб келганинги айни ҳақиқат.

“Хамса” таркибида алоҳида аҳамиятга эга “Садди Искандарий” достони буғунги кунда соҳа мутахассислари томонидан етарлича тадқиқ этилган, деб бўлмайди. Шоир

номидаги энциклопедик луғатда “Садди Искандарий” достони билан боғлиқ саноқлигина тадқиқот иши[2.II]нинг берилганинги ҳам бу борадаги фикримизни тасдиқлайди. Чунки илм ва олимлар улуғлаган “Садди Искандарий” достони ўзининг бадиий ва лисоний хусусиятлари билан “Хамса”нинг бошқа достонларидан тубдан фарқ қиласи. Қизиқарли тадқиқ обьекти сифатида мазкур достон хилма-хил маълумотлар манбаидир. Асардаги “тұхфа” концепти фреймларини белгилашдаги ноаниқликлар мазкур мұйъказ тадқиқот яралишига сабаб бўлди. Натижада “Садди Искандарий” достонида хитой ҳоқонининг чин ҳалқи удумига кўра Искандарга тортиқ қилган “тўққиз-тўққиз” тұхфаси, бу тортиқларнинг умумий адади, достоннинг назмий ва насрий вариантларидағи совғалар сонидаги тафовутлар аниқланди. Ушбу натижалар, қайсиadir маънода, достон матнини тадқиқ этишда баъзи масалаларга ойдинлик киритиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони ўзининг қизиқарли воқеликлари билан “Хамса”нинг бошқа

Н.Умарова – ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.
Н.Абдувалиева – ФарДУ, бошланғыч таълим услугиёті кафедрасы ўқитувчisi.

ТИЛШУНОСЛИК

достонларидан ажралиб туради. Ўшандай тасвирлардан бири достондаги Хитой ҳоқонининг тухфалари билан боғлиқ. Достонда ҳоқон ўз миннатдорчилиги рамзи сифатида Искандарга шундай шоҳона тухфалар ҳадя этадики, бутун олам бу совғаларнинг кўплиги ва асплигидан лол қолади (Бу янглиғ ясаб пешкашлар ўзи *Ki, ҳайрон қолиб анда даврон кўзи*). Шу ўринда достонда шоир томонидан “тухфа” концепти шакллантирилди ва бу концепт бир қатор фреймларни қамраб олади: **отлар, туялар, хачирлар** [бир минг тўқиз юз хил], **уй жиҳозлари, яшил тусли май қуядиган идишлар, чинни асбоблар** [Менгизлари гул-гул, мижалари хор, Қабоглари кенг-кенг, оғизлари тор], **канизлар, ҳақиқат ойнаси, Чин гўзали**. Аммо бу фреймлар Навоий санаб келтирган тухфалар номини тўлиқ қамраб оладими ёки йўқ? Буни қуида билиб оламиз.

Азалдан одат бўлган меҳмондорчилик таомилига кўра чин ҳоқони ва халқи музaffer Искандарга “тўқиз-тўқиз” тақдим қилишга киришадилар:

1. Искандар учун ҳоқоннинг ўзи шундай совғалар тайёрладики, буни кўриб, бутун дунё одамлари ҳайрон қолдилар. Жумладан, тухфалар ичida **мингта от**(1) бўлиб, буларнинг барчаси оҳу ва қулонга ўхаш югурик, ҳатто оҳудан ҳам, қулондан ҳам ўзадиган чопқир отлар эди. У отлар чопганда ҳавога кўтарилган гардга ел ҳам етолмас, шамолнинг тезлиги эса бу отлар олдида ҳеч эди. Улар югуришда, булути сакрашда чақмоққа ўхшаган бўлиб, барчаси чақмоқ сингари олтин рангига белангтан эди. Эгарлари ҳам олтин, жабдуқлари ҳам, тақалари ҳам олтин, узангилари ҳам. Ҳар бир отнинг устига Чин зарбафтларидан ёпиқ ёпилган бўлиб, ундаги тақинчоқлар лаъл ва қимматбаҳо дурлардан эди: *Минг от – борча оҳумаку гўрдав, Бори гўру оҳудин элтиб гарав.*(СИ)

2. Яна ҳар бири тоғдек танага эга бўлган минг дона тuya (2) бўлиб, ҳар бирининг вужуди фалак филига монанд эди. Бу тяялар жуссада фалакка ўхшаса ҳам, ювош ва беозорликда малакларга ўхшарди. Тяяларнинг асбоб-анжомлари ҳам Хитойнинг гўзал матоларидан бўлиб, уларга қимматли тош ва жавоҳир каби зеб-зийнатлар тақилган эди: *Яна минг тева – ҳар бири кўхтап, Фалак пилича ҳар бирига бадан.*(СИ)

3. Яна мингта тезқадам хачир (3) ки, юришда ҳар бири саркаш фалакни эслатарди. Буларнинг юриш ва чопишлари ҳам жойида бўлиб, эгару узангилари ҳам ҳалигилардан қолишмас эди. Бошқа асбоб-анжомлари ҳам юқоридаги от, тяяларники сингари бекаму кўст эди: *Яна минг хачир, борчаси тезгом, Сипехри ҳарундек бориға хиром.*(СИ)

4. Яна бир минг тўқиз юз хил уй жиҳозлари (4) қандай тахланиб, тугилган бўлса, шундай ечилмай турарди. Бу тугунлар ранг-баранг кўриниши билан гўзал боғни эслатса ҳам, оғирликда ҳар қайсиси бир тоқقا ўхшар эди. Яна яшил тошлардан ясалмиш, анвойи безаклар билан зийнатланган мингта ҳар хил идиш-оёқ бўлиб, буларнинг ҳар бири латофатда бир-биридан гўзал эди: *Яна минг тўқуз раҳти нахху насеж, Очилмай, нечукким топиб тобу печ.*(СИ)

Раҳти - уй асбоб-анжом[3,523]и; нахху насеж - зардор ҳарир ва ипак гилам[3,454]

5. Яна мингта чинни асбоб (5), айланаси сайр этувчи қуёшга ўхшаш олтин рангли эди: *Яна чини олот минг порча, Идора аро меҳри сайёрча.*(СИ) Чинни олот – чинни идишлар.[3:483]

6. Яна мингта қадди-қомати келишган, ҳаммасининг сунбул соchlаридан мушк атри гуркираб турган гул юзли канизаклар (6) бор эди. Уларнинг юзлари гул-гул очилган, киприклари тикансимон, қовоқлари кенгу, оғизлари тор-тор эди. Улар ноз-ишва билан дилларни банд этардилар. Либосларига шундай зеб берилган эдики, чегараси йўқ: *Яна минг сиҳи қадду гулҳад каниз, Бари сунбули зулғодин мушкбез* (СИ).

7. Булардан ташқари, иккита ажойиб тухфа ҳам бор эдиким, бундай таажжуб тухфа дунёда кам бўларди Бунинг бири ойна (7) бўлиб, Жамшиднинг жомини эслатарди. У ёруғликда қуёш ойнасига ўхшар эди. У фалак қуёши сингари бўлса ҳам, лекин ҳали уни “Ойнайи чин”(ҳақиқат ойнаси), дер эдилар. Бу ойнанинг иккала бети ҳам ой ва кундек ёруғ бўлиб, сира зангламас ва доимо биллурдан ҳам тиниқ эди. Бунинг бир бети киши аксини кўрсатадиган даражада ёруғ бўлгани ҳолда, иккинчи бети оддий ойналарниридай қора эмас эди. Уни тилсим қилиб ясаган ҳакимлар, у ойнанинг икки бетига икки хил кўрсатиш қобилиятини берган эдилар.

Масалан, унинг бир юзи шундай ясалганки, қачон шоҳ адолат таҳтига ўтириб, ҳалқнинг арз-додига етмоқчи бўлса, кишилар бир-бири билан даъволашиб, булардан бири нариги томоннинг даъвосини инкор этса, даъвонинг қанчалик ҳақ эканини аниқлаш учун гувоҳ керак эмас, жавоб эгасининг ойнага бир қараши кифоя эди. Ўша қараашда агар даъвоси рост бўлса — ойнада юзи кўринарди, ёлғон сўзлаган бўлса, юзи кўринмасди. Яна иккинчи юзининг тилсими шундан иборат эдики, агар шоҳ базм пайтида май ичиб ўтирганида, мажлисдагилар шу ойнага боқиб, ўз башараларини тамошо қиладиган бўлсалар, меъёри билан май ичувчиларнинг башаралари ўз ҳолича— бутун борлиги билан акс этарди. Агар борди-ю, бирор май ичиб, ақл-хушини қўлдан бериб, бадмастлик қиладиган даражага бориб қолса, ойнада бунинг юзи бузилиб — узун, қисқа, япалоқ, кичик ва катта бўлиб акс этарди. Шундан сўнг кўзгуга қаровчи шахс ўз юзини бу аҳволда кўргач, тезда май ичишини тўхтатиб, хушдил бўларди. Ва шундан сўнг бузук аҳволини тузатишга, ўзини эл орасида шарманда бўлишдан саклашга ҳаракат қиларди. Масалан: *Ва лекин ики бульажаб тухфа ҳам, Ки, андоқ келиб бульажаб тухфа кам. Бури кўзгуйи жоми Жамишиддек, Сафо ичра миръоти хуриддек(СИ).*

Миръот – ойна, кўзгу [3, 394].

8. Бу ойнадан кейинги иккинчи тухфа бир Чин гўзали(8) бўлиб, уни гўзаллиқда жон офати, йўқ, жон офати эмас, жаҳон офати деса бўларди: *Яна луъбате, бал жаҳон офати, Жаҳон офати йўқки, жон офати(СИ).*

Юқорида келтирилган ҳисоб-китоб асосида достонда 6902(охирги 2 тухфа – ойна ва чин гўзали билан қўшиб ҳисоблаганда)та миқдордаги тухфалар сони маълум бўлди. Аммо бу миқдорнинг тўғрилигига бир шубҳа бор. “Хамса”нинг 525 йиллиги муносабати билан “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан 2010 йилда чоп этилган “Садди Искандарий” достонининг нарий баёнида берилган тухфаларнинг адади 1000 тадан эмас 9000 тадан, деб кўрсатилган. Достоннинг www.ziyouz.com кутубхонасидан ўрин олган назмий ва нарий вариантларида тухфалар адади таъкидлаганимиздек, 1000 тадан. Бу вариантлардаги биргина тафовут - уй

жиҳозлари сони 1900 та, деб берилганлигидадир.

Энг муҳими эса хитойликлар одатига кўра, “тўқиз-тўқиз” таомилида тухфалар 9 турда бўлиши керак эди. Достоннинг 2 хил насрий варианти солиштирилганда ҳам тухфаларнинг 8 турдалиги аниқланди. Фақат тухфалар саноғида назмий матннаги биргина байтнинг танқидий матнга киритилмай қолгани ҳисобга олинадиган бўлса, тухфалар адади 9 тага етади. Шу тариқа умумий ҳисоб ҳам ўзгаради: 7902 та. Насрий матнларда **қайд этилмаган инъом** яшил рангдаги ва май қуилладиган идиш(авонию зарф)лардир:

Яна яшмдин минг авонию зарф,
Латофат аро бир-биридин шигарф(СИ).

Биринчи мисранинг маъноси “Яшил тошдан ишланган (яшил рангли, шаффоф бўлса керак) ва май қуилладиган идишлар”. Байтдаги «шигарф» сўзини “Навоий асарлари луғати”¹да берилганидек, шингарф деб ҳисобласак, бу байт айнан май қуийш учун мўлжалланган ва яшил рангдаги шаффоф шиша идиш(яшм авоний)ларни назарда тутганлигини билиш мумкин. Яъни, яшм – яшил рангли тош, авоний-идишлар, зарф – май қуилладиган идиш. Бу далилдан ташқари, шу ўринда яна бир услубий далилни ҳам таъкидлаш зарур. Тухфалар саналаётган ҳар бир байт аввалида яна боғловчиси тақрор ва тақрор қўлланилган. Бу сўз тухфа номларини таъкидлаш ва байтлар кўринишидаги матнларни мазмунан боғлаш учун хизмат қилган. Қиёслаймиз:

Яна яшмдин минг авонию зарф,
Латофат аро бир-биридин шигарф.
Яна чини олот минг порча,
Идора аро меҳри сайёрча.
Яна минг сиҳи қадду гулҳад каниз,
Бари сунбули зулфдин мушкбез(СИ).

Искандарий” достонида тухфалар сонининг бу қадар ноаниқ эканлиги шоир асарларининг танқидий матнларини яратишда янада эътиборлироқ бўлишни талаб қиласди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкини, Алишер Навоий асарларининг назмий ва нарий вариантларини қиёсий ўрганиш шоир

ТИЛШУНОСЛИК

асарлари танқидий матнларига доир айрим Навоий асарларини синчковлик билан ўқиш жузъий, айни пайтда жиддий тафовутларни ва ўрганиш орқалигина эришиш мумкин. аниқлаш имконини беради. Бу аниқликка

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. // Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидағи маъруза. -2017 йил, 14 январь. - Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Алишер Навоий. Қомусий лугат. II жилд. -Т.: Шарқ, 2016.
3. Навоий асарлари луғати(НАЛ). Бир жилдлик. -Т., 1972.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).